

## ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЯШОВЧИ 1-3 ЁШЛИ БОЛАЛАРНИНГ ТАНА ВАЗНИ ИНДЕКСИ ВА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Рузибаев Рашид Юсупович, Наврузов Дилшод Қодирович, Сапаев Дусчан Шухратович  
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.

### ОСОБЕННОСТИ ИНДЕКСА МАССЫ ТЕЛА И РАЗМЕРОВ ПОЗВОНОЧНИКА У ДЕТЕЙ 1-3 ЛЕТ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ

Рузибаев Рашид Юсупович, Наврузов Дилшод Кодирович, Сапаев Дусчан Шухратович  
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Республика Узбекистан, г. Ургенч

### FEATURES OF BODY MASS INDEX AND SPINE SIZE IN CHILDREN 1-3 YEARS LIVING IN SOUTHERN ARAL REGION

Ruzibaev Rashid Yusupovich, Navruzov Dilshod Qadirovich, Sapaev Duschan Shukhratovich  
Urgench branch of Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Urgench

e-mail: [rach\\_ter@rambler.ru](mailto:rach_ter@rambler.ru)

**Резюме.** Мақолада Жанубий Орол бўйи минтақасига қирувчи Хоразм вилояти Урганч шаҳри ва Шават туманида яшовчи 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 225 нафар ўғил ва қиз болаларда тана вазни, бўй узунлиги ва умуртқа погонасининг антропометрик текшируви ўтказилди. Антропометрик текшириш натижаларига кўра, қишлоқ ва шаҳар шароитида яшовчи 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг антропометрик текшириш натижаларидаги фарқлар таҳлил қилинди. Бу таҳлилларга кўра, шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний ривожланиши, в қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний ривожланишидан устуңлиги кузатилди.

**Калит сўзлар:** антропометрик кўрсаткичлар, умуртқа погонаси, Жанубий Орол бўйи.

**Abstract:** The article examined 225 boys and girls 1-3 years old living in the city of Urgench and in the Shavat district of the Khorezm region, part of the Southern Aral region. Anthropometric studies of body weight, growth and length of the spine in children were conducted and studied. According to the results of the anthropometric survey, differences in the results of the anthropometric survey of boys and girls 1-3 years old living in rural and urban areas were analyzed. Based on these studies, the physical development of boys and girls 1-3 years old living in urban areas was superior to the physical development of boys and girls 1-3 years old living in rural areas.

**Key words:** anthropometric indicators, vertebral column, Southern Aral Sea region.

**Кириш қисми:** Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги, айниқса болалар ва ўсмирлар саломатлигини яхшилаш масаласи давлат раҳбариятини энг муҳим вазифаларидан биридир. Давлатимиз томонидан охириги йилларда болалар ва ўсмирлар саломатлигини янада яхшилаш мақсадида тегишли давлат дастурлар ишлаб чиқилди ва йил давомида амалга ошириш жорий қилинди, масалан 2000 йил - "Соғлом авлод йили", 2001 йил - "Оналар ва болалар йили" 2005 йил - "Сихат-саломатлик йили", 2010 йил - "Баркамол авлод йили", 2012 йил - "Мустаҳкам оила йили", 2014 йил - "Соғлом бола йили", 2016 йил - "Соғлом она ва бола йили". Бу дастурлар ўсиб келаётган ёш авлодни-болалар ва ўсмирларини саломатлигини яхшилаш учун

соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга, келажакда давлатимизда соғлом ва баркамол авлодни шаклланишига қаратилган. Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев 2020 йил ноябрдаги муројатида бу масалага алоҳида эътибор қаратган (2020 йил ноябр ПҚ № 6110). Жанубий Орол бўйи минтақасида экологик вазиятни ёмонлашуви болалар ва ўсмирлар саломатлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бу ҳудудларда болалар ва ўсмирларда чуқурлаштирилган диспансеризация ўтказиш, турли хил касалликларни олдини олишга ёрдам беради.

Болалар ва ўсмирлар соғлигини яхшилашнинг энг муҳим шарти - бу уларнинг ўсиши ва ривожланиши хусусиятларни аниқлаш

ва ўрганишдир [5]. Болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказишда антропометрик теширишлар алоҳида аҳамиятга эга, антропометрик теширишлар болалар ва ўсмирларни муайян ёш ва жисмоний ривожланиш талабларга мувофиқ ривожланишини ўз вақтида аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, антропометрик текшириш болалар ва ўсмирлар ўсиш ва жисмоний ривожланишидаги патологик ўзгаришларни аниқлашга, шунингдек, кўплаб касалликларнинг ривожланиши олдини олишга ёрдам беради [6].

"Жисмоний ривожланиш" тушунчаси турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинади. П.И. Башкиров таъкидлашича, жисмоний ривожланиш" тушунчаси организмнинг морфологик ва функционал хусусиятлари бирлигидир [3]. Левин В.Н. фикрига кўра, "жисмоний ривожланиш" тушунчаси организмнинг функционал, физиологик кўрсаткичлари ва соғлиги ҳолатидир. В.Г. Владовский эса "жисмоний ривожланиш" тушунчасини организм ёшга ҳос биологик ривожланиш даражасини морфофункционал белгилари йиғиндиси билан характерлайди [4].

Ҳозирги вақтда болалар ва ўсмирларни жисмоний ривожланиш даражасини аниқлашда тана оғирлиги индекси, яни Кетле индекси энг кўп қўлланилади. Бу индекс орқали болалар ва ўсмирларни жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаймиз [9, 10, 11].

Болалар ва ўсмирларни жисмоний ривожланишида умуртқа поғонаси нормал ўсиши ва ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Бола улғайган сари ўмуртқа поғонанинг ўсиши ва ривожланиши унинг узунлиги, ҳажми ва массасининг ўсиши билан бирга умуртқаларнинг тоғай қисмлари суяклана бошлаши кузатилади, бола гавдаси вертикал ҳолатга ўтиши умуртқа поғонасининг физиологик эгриликлари ҳосил бўлишига олиб келади. Бундан ташқари бола гавдасини вертикал ҳолатда тутиши умуртқа поғонасига гавда оғирлиги тушиши, бунинг натижасида умуртқа поғонаси ҳажмини юқоридан пастга қараб катталаниши кузатилади [1, 7, 8].

Ҳаётнинг дастлабки йилларида умуртқа поғонасининг ривожланиши шу қадар жадалки, ҳатто қисқа вақт оралиқлари умуртқа поғонаси тузилишида аниқ ўзгаришлар кузатилади. Шунинг учун Э.В.Ульрих, А.Ю.Мушкин умуртқа поғонасини нормал ривожланишини ёшга боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратиш зарурлигини айтади [2, 8].

Турли географик зоналарда, шунингдек шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи болаларда жисмоний ривожланиш жараёнларини ўрганиш инсон экологияси ва аҳоли саломатлиги яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотимизнинг мақсади Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари хусусиятлари ва жисмоний ривожланиш даражасини ҳар томонлама ўрганишдан иборат бўлди.

#### **Материал ва текшириш усуллари:**

Тадқиқот учун Урганч шаҳри ва Шовот туманида яшовчи 1-3 ёшдаги амалий соғлом болалар танланди. Урганч шаҳридаги 3-сон оилавий поликлиника ва Шовот туманидаги 52 - сон оилавий поликлиникада жами 107 нафар қиз ва 118 нафар ўғил болаларда тиббий антропометрик текширув ўтказилди.

Олинган маълумотлар Pentium IV компютерида Microsoft office Excel 2010 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланди.

#### **Натижалар ва уларнинг муҳокамаси:**


Текширув натижалари шуни кўрсатдики, Урганч шаҳрида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг тана вазни ўртача 13,6 кг, 1-3 ёшли қизлар болаларнинг тана вазни ўртача 13,5 кг, Шовот туманида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг тана вазни ўртача 12,8 кг, 1-3 ёшли қиз болаларнинг тана вазни ўртача 12,3 кг ни ташкил етди.

Урганч шаҳрида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг тана узунлиги 91,2 см, 1-3 ёшли қиз болаларнинг тана узунлиги ўртача 90,8 см, Шовот туманида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг тана узунлиги ўртача 80,8 см, 1-3 ёшли қиз болаларнинг тана узунлиги ўртача 80,6 см ни ташкил етди.


Тана вазни индекси (ТВИ)- Кетле индекси шаҳрада яшовчи 1-3 ёшли ўғил болалар учун ўртача 17 га тенг, шаҳрада яшовчи 1-3 ёшли қиз болалар учун ўртача 16 га тенг. Қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болалар учун ўртача 20 га тенг, қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 яшар қиз болалар учун ўртача 19 га тенг (расм 1-2).

Умуртқа поғонасини умумий узунлиги шаҳрада яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларда ўртача 29,6 см.га, шаҳрада яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларда учун ўртача 28,6 см.га тенг, умуртқа поғонасини умумий узунлиги қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларда ўртача 28,6 см.га, қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларда учун ўртача 28,0 см.га тенг (расм 3).


Тадқиқот учун танланган шаҳрада яшовчи амалий соғлом 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг 64 таси боғча тарбияланувчиси, 43 таси уйда тарбияланади. Қишлоқ шароитида яшовчи амалий соғлом 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг 36 таси боғча тарбияланувчиси, 82 таси уйда тарбияланади (расм 4).




**Расм 1.** 1-3 ёшли ўғил болаларда тана вазни индекси (ТВИ)



**Расм 2.** 1-3 ёшли қиз болаларда тана вазни индекси (ТВИ)



**Расм 3.** 1-3 ёшли ўғил ва қиз болаларда умуртқа поғонасини умумий узунлиги



**Расм 4.** Шахар ва қишлоқ шароитида боғчда (уюшган) ва уйида тарбияланувчи (уюшмаган) ўғил ва қиз болалар

**Хулоса:** Шундай қилиб, шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг ўртача тана вазни қишлоқда яшовчи ўғил болаларнинг ўртача тана вазнига нисбатан 0,8кг кўп шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларнинг ўртача тана вазни, қишлоқда яшовчи қиз болаларнинг ўртача тана вазнига нисбатан 1,2 кг кўпдир. Шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг ўртача бўй узунлиги қишлоқда яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг ўртача бўй узунлигидан 10,4 см узун. Шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларнинг ўртача бўй узунлиги, қишлоқда яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларнинг ўртача бўй узунлигидан 10,2 см узун. Шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларда умуртқа поғонасининг ўртача узунлиги, қишлоқда яшовчи 1-3 ёшли ўғил болаларнинг умуртқа поғонасининг ўртача узунлигидан 0,9 см га узун. Шаҳарда яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларда умуртқа поғонасининг ўртача узунлиги, қишлоқда яшовчи 1-3 ёшли қиз болаларнинг умуртқа поғонасининг ўртача узунлигидан 0,6 см га узун.

Урганч шаҳрида яшовчи 1-3 ёшли 107 та ўғил ва қиз болаларнинг 64 таси боғча тарбияланувчиси (уюшган), 43 таси уй шароитида тарбияланади (уюлмаган). Шаҳарда яшовчи боғчада тарбияланувчилари (уюшган) 59,8%, уй шароитида тарбияланувчилар (уюлмаган) 40,2% ташкил қилади. Шават тумани қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли 118 та ўғил ва қиз болаларнинг 36 таси боғча тарбияланувчиси (уюшган), 82 таси уй шароитида тарбияланади (уюлмаган). Қишлоқ шароитида яшовчи 1-3 ёшли ўғил ва қиз болалардан боғчада тарбияланувчилари (уюшган) 36%, уй шароитида тарбияланувчилар (уюлмаган) 82% ташкил қилади. Шаҳар ва қишлоқда яшовчи 1-3 ёшдаги болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг бундай фарқланиши болаларнинг боғча ва уй шароитида тарбияланиши билан боғлиқлиги кузатилди. Олинган маълумотлардан болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиш сифатини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин

#### Адабиётлар:

1. Абальмасова Е.А., Ходжаев Р.Р. Сколиоз. Издательство Ибн Сино. Ташкент. 1995 .19-25 ст.
2. Абдуллаева М.Э., Мамбетов Ж.М., Ташбаев О.С. Динамическое изучение показателей физического развития детей первых шести месяцев жизни // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2001. – № 1-2. – С. 35-38.
3. Башкиров П. Н. Учение о физическом развитии человека / П. Н. Башкиров. –М., 1962. – 340 с.
4. Властовский В. Г. Об изменении за последние 50 лет размеров тела взрослых мужчин и женщин г. Москвы в зависимости от их года рождения / В.

- Г. Властовский, П. И. Зенкевич // Вопросы антропологии. – 1969. – Вып. 33. – С. 34–35.
5. Камилова Р.Т. Влияние гигиенических и медико-биологических аспектов в экологически неблагоприятных условиях Республики Каракалпакстан на процессы роста и развития детей: монография / Р.Т. Камилова, Г.Т. Ниязова, Л.М. Башарова А.Т. Ниязов, А.Т. Ниязов. – М.: Издательский дом Академии Естествознания, 2016. – 94 с.
6. Казакова Т. С., Нурмамедова Е. Э. Методы проведения антропометрических исследований с целью определения состояния физического здоровья . Молодой учёный. Международный научный журнал. № 000 «Издательство Молодой ученый» . г Казань. / 2017.
7. Павлова В.И., Мамылина Н.В., Камскова Ю.Г.Анатомо-физиологические и возрастные особенности костной системы человека: учебно-методическое пособие. Челябинск: изд-во ЧФ УРАО, 2008.- 36-55 с.
8. Уильрих Э.В., Вертебрология в терминах, цифрах, рисунках Э.В.Уильрих, А.Ю. Мушкин. ЭЛБИ-СПб, 2004.
9. Lohman T. Indices of changes in adiposity in American Indian children / T. Lohman, J. Thompson, S. Going [et al.] // Prev. Med. – 2003. – V. 37 (6). – Pt. 2. –P. 1–96.
10. Sharp T. A. Association of anthropometric measures with risk of diabetes and cardiovascular disease in Hispanic and Caucasian adolescents / T. A. Sharp, G. K. Grunwald, K. E. Giltinan [et al.] // Prev. Med. – 2003. – V. 37 (6). – Pt. 1. – P. 611–616.
11. Story M. Obesity in American-Indian children: prevalence, consequences, and prevention / M. Story, J. Stevens, J. Himes [et al.] // Prev. Med. – 2003. – V. 37 (6). –Pt. 2. – P. 3–12.

#### **ОСОБЕННОСТИ ИНДЕКСА МАССЫ ТЕЛА И ЗАМЕРОВ ПОЗВОНОЧНИКА У ДЕТЕЙ 1-3 ЛЕТ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ**

*Рузибаев Р.Ю., Наврузов Д.К., Сапаев Д.Ш.*

**Резюме.** В статье обследованы 225 мальчиков и девочек 1-3 лет, проживающих в городе Ургенче и в Шаватском районе Хорезмской области, входящей в регион Южного Приаралья. Проведено и изучено антропометрическое исследования массы тела, рост и длина позвоночника у детей. Проанализированы различия результатов антропометрического обследования мальчиков и девочек 1-3 лет, проживающих в сельской и городской местности. На основании этих исследований, физическое развитие мальчиков и девочек 1–3 лет, проживающих в городских районах, превосходило физическое развитие мальчиков и девочек в возрасте 1–3 лет, проживающих в сельской местности.

**Ключевые слова:** антропометрические показатели, позвоночный столб, регионы Южного Приаралья.